

---

## 22 декабрь – “Энергетиклар куни”

Халқаро энергетиклар куни йилнинг 22 декабрида бир қатор МДҲ ва Европа мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланади.

Барчага маълумки, электр энергияси турмушимизнинг ажралмас қисмига айланган. Корхона ва аҳоли хонадонларидаги замонавий техник воситаларнинг аксарияти унинг мўъжизакор қувватига таянади. Бир сўз билан айтганда усиз ҳаёт рангсиздек, гўё...

**Сана муносабати билан Ўзбекистон тумани ҳокимлиги туман электр таъминоти корхонасининг барча ходимларини касб байрами билан самимий қутлаб, уларга энг аввало сиҳат-саломатлик, оилаларига фаровонлик ва хонадонларига қут-барака тилайди.**

Электр энергиясига бўлган талаб жадаллик билан ортиб бораётган бир даврда туман аҳолиси хонадонлари ва улгуржи истеъмолчиларни сифатли электр энергияси билан таъминлашдаги меҳнат фаолиятингизда куч-ғайрат ва муваффақиятлар тилаймиз.

**Касб байрамингиз муборак бўлсин!**

2021-12-22 17:00:50